



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Судьялар олий кенгаши
раиси Х.Ёдгоров
25 ноябрь, 2025 йил

Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлиги
ва очиқлигини янада ошириш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

T/p	Чора-тадбирлар номланиши	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	Масъул
1.	Судьяларни навбатдаги ўн йиллик муддатга тайинлаш (сайлаш) тартибини бекор қилиш ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни дастлаб беш йил муддатга, кейинчалик муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш) тартибини жорий этиш. Судьяга нисбатан интизомий жазо қўллашнинг шаффоф ва адолатли тизимини жорий этиш. Бунда: қуйи судьялик лавозимига ўтказиш интизомий жазо чорасини жорий этиш; судьяни интизомий жавобгарликка тортиш асосларининг аниқ мезонларини белгилаш. Суд тизимида камида беш йиллик меҳнат тажрибаси ва илмий салоҳиятга эга судьяларни икки ўқув йили муддатига Одил судлов академиясига профессор-ўқитувчи лавозимига жалб этиш тартибини жорий этиш.	“Судлар тўғрисида”ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш. “Судьялар малака ҳайъатлари тўғрисида”ги Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш. Бунда қуйидагилар project.gov.uz киритиш учун тайёрланиши керак: 1. Қонун лойиҳаси 2. Таққослама жадвал 3. Тушунтириш хати 4. Хорижий давлатлар тажрибаси 5. Лойиҳанинг рус тилидаги матни	2025 йил 10 декабрь	Судьялар олий кенгаши (Х. Ёдгоров), Олий суд (Б. Исламов)	М.Каландарова Н.Бобохонова С.Холбаев О.Хакимов Олий суд вакили (келишув асосида)

2.	Кенгашнинг доимий асосда фаолият юритувчи аъзолари лавозимига номзодларни тавсия этишнинг аниқ тартибини белгилаш. Кенгашнинг жамоатчилик асосида фаолият юритувчи аъзолари лавозимига номзодларни тавсия этишнинг аниқ тартибини белгилаш. Кенгаш таркибида суд тизимининг барча бўғинлари вакиллигини таъминлаш. Судьянинг касбий фаолиятини баҳолашда “ҳалоллик”, “касбий лаёқатлилиқ” ва “судьялик одоби қоидаларига риоя этиш” мезонларининг аниқ талабларини қонун даражасида белгилаш.	“Ўзбекистон Республикасининг Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш Бунда қуйидагилар project.gov.uz киритиш учун тайёрланиши керак: 1. Қонун лойиҳаси 2. Таққослама жадвал 3. Тушунтириш хати 4. Хорижий давлатлар тажрибаси 5. Лойиҳанинг рус тилидаги матни	2025 йил 10 декабрь	Судьялар олий кенгаши (Х. Ёдгоров), Олий суд (Б. Исламов)	Б.Сабиров Д.Арипов Х.Азизов О.Хакимов
3.	Судьяларнинг малака ҳайъатлари қарорларини қайта кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш. Кенгаш ва Судьялар олий малака ҳайъатининг қўшма йиғилишларини ўтказиш тартибини бекор қилиш.	“Судьялар малака ҳайъатлари тўғрисида”ги Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш. Бунда қуйидагилар project.gov.uz киритиш учун тайёрланиши керак: 1. Қонун лойиҳаси 2. Таққослама жадвал 3. Тушунтириш хати 4. Хорижий давлатлар тажрибаси 5. Лойиҳанинг рус тилидаги матни	2025 йил 10 декабрь	Судьялар олий кенгаши (Х. Ёдгоров), Олий суд (Б. Исламов)	А.Хамраев О.Хакимов
4.	Судьялар малака ҳайъатларининг янги тайинланган аъзоларини Одил судлов академиясининг қисқа муддатли курсларида ўқитиш амалиётини йўлга қўйиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Алоҳида режа асосида	Судьялар олий кенгаши (Х. Ёдгоров), Одил судлов академияси (Ш. Абдуқодиров)	Ш.Абдуқодиров Д.Арипов

5.	Кенгашнинг расмий веб-сайтида қуйидагиларни очиқ эълон қилиб бориш амалиётини жорий этиш: (а) суд тизимида мавжуд бўш раҳбарлик ва юқори турувчи судьялик лавозимларига оид маълумотлар ҳамда уларни эгаллаш учун танловда иштирок этиш тартиби; (б) суд тизимида судьялик лавозимлари, шу жумладан, раҳбарлик ва юқори турувчи судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш бўйича барча босқичларга оид маълумотлар.	Ташкилий чора-тадбирлар	2025 йил 10 декабрга қадар	Судьялар олий кенгаши (Х. Ёдгоров)	Н.Бобохонова Г.Зиганшина Х.Садиқов Р.Назаров
6.	Ҳудудларда судьяларни мажбурий тартибда вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларида чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш. Судьялар олий кенгаши томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар, идоравий ҳужжат лойиҳаси	2025 йил 20 декабрь	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров), Судьялар олий кенгаши (Х. Ёдгоров)	А.Жалилов М.Кукиев
7.	Адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарганлик учун жавобгарликни белгиловчи қонунчилик нормаларини суд мустақиллигига оид халқаро стандартлар асосида кўриб чиқиш. Кенгаш аъзоларининг суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш борасидаги фаолиятига аралашганлик учун жиноий жавобгарлик чораларини белгилаш. Судьялар ва суд ходимлари кунини белгилаш.	Таҳлилий маълумотнома	2025 йил 10 декабрь	Судьялар олий кенгаши (Х. Ёдгоров), Олий суд (Б.Исламов), Бош прокуратура (Н.Йўлдошев), манфаатдор вазирлик ва идоралар	Х.Камолов Ш.Абдуқодиров
8.	“Рақамли ҳукумат” тизими Идоралараро интеграциялашув платформасида мавжуд	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил 1 февраль	Судьялар олий кенгаши (Х. Ёдгоров),	Х.Садиқов Р.Назаров

	маълумотларни Кенгашнинг ахборот тизими билан тўлиқ интеграция қилиш . Судьялар фаолияти самарадорлигини сунъий интеллект ёрдамида баҳолашни йўлга қўйиш.			Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов), “UZINFOCOM” МЧЖ (Э. Гимранов), манфаатдор вазирлик ва идоралар	
9.	Судьялик лавозимига номзодлар ва судьяларнинг психологик портрети бўйича судьянинг касбига муносиблигини баҳолашга кўмаклашувчи электрон дастурни такомиллаштириш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2026 йил 1 март	Судьялар олий кенгаши (Х. Ёдгоров), Олий суд (Б.Исламов), Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов)	Х.Садиков Д.Исраилов
10.	Одил судлов академиясининг судьялик касбига қайта тайёрлаш курсларига қабул қилишда ҳар йили заруратга қараб хотин-қизлар учун квота белгилаш.	Идоравий ҳужжат лойиҳаси	Доимий равишда	Судьялар олий кенгаши (Х. Ёдгоров)	Ш.Абдуқодиров Д.Арипов

Изоҳ: мазкур чора-тадбирлар ижроси Президент Администрациясига киритилгунга қадар Кенгаш раиси назоратида бўлади. Ижрочилар топшириқни ўз вақтида ва талаб даражасида тайёрлаш учун масъул.